Бутун - дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 92 (9588). • 1989 йил 13 май • Баҳоси 5 тийин.

ШАНБА СОНИ

# БЕВОСИТА АЛОҚАЛАР — ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚҚА НАФЛИДИР

## Е. К. ЛИГАЧЕВнинг Тошкентдаги кенгашда сўзлаган нутқи

Марказий Комитетнинг 1989 йил март Пленумидаги М. С. Горбачев докладида, қабул қилинган қарорларда шу яқин орада озиқ-овқат муаммосидаги кескинликни бартараф этиш, ўн учинчи беш йилликда эса аҳолини озиқ-овқат билан барқарор таъминлаш учун етарли миқдордаги ва хилдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб бериш юзасидан ғоят муҳим вазифа қўйилган.

Биз бу вазифани ҳал этишни бир қанча қулай омиллар мавжуд бўлган шароитда бошлаяпмиз. Аввало, биз замонавий аграр сиёсатга эгамиз, мазкур сиёсатнинг асосий йўналишлари, уни рўёбга чиқаришнинг усуллари ва методлари ишлаб чиқилган. Марказий Комитет Пленуми қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг социалистик йўлини тасдиқлади. Қўлимизда озиқ-овқат масаласини ҳал этишнинг комплекс программаси бор.

Социалистик мулк барча формалари, хўжалик юритишнинг барча формалари ва ушбу формалар ўзаро алоқаларининг хилма-хиллиги ва тенг ҳуқуқлилиги эътироф этилди. Қишлоқ хўжаликларининг барча турларига кенг ҳуқуқлар берилди, уларни ривожлантиришдаги асоссиз чеклашлар бекор қилинди, ишнинг пировард натижалари учун масъулият оширилди. Ташаббус кўрсатиш учун одамларга кенг йўл очиб берилди. Яқинда Калуга областида бўлганимизда Козли қишлоғида яшовчи бир киши бундай деган эди: «Энди деҳқоннинг имконияти катта, иш юришиб кетади».

Яна бир гапни айтмоқчиман. Марказий Комитетнинг март Пленумида қабул қилинган қарорлар жамиятимиз барча соҳаларини қайта қуриш, уларни демократиялаш даврида амалга оширилмоқда. Бу қулай омилдир. Гап шундаки, аграр секторнинг равнақи кўп жиҳатдан иқтисодий ва сиёсий ислоҳотга боғлиқдир.

Жамиятда ҳозирги вақтда озиқ-овқат масаласи жуда долзарб, биринчи навбатдаги масала эканлиги ҳақидаги фикр мулоҳаза ҳар қачонгидан ҳам етилди, бу жуда муҳимдир.

Ва ниҳоят агросаноат комплексининг моддий техника негизини мустаҳкамлашга шаҳарларнинг ишлаб чиқариш ва интеллектуал потенциали тобора тўлароқ жалб этилмоқда. Мудофаа саноати ҳам бу ишга кенг миқёсда жалб қилинмоқда. Буларнинг ҳаммаси аграр сиёсатни амалга оширишга ёрдам беради.

Айни вақтда, замонавий аграр сиёсат қийин шароитларда рўёбга чиқарилмоқда. Экономикадаги танг вазият, машинасозликнинг жуда орқада қолиб кетганлиги, молия хўжалигининг мураккаб аҳволи, пул муомаласидан путур кетганлиги, халқ истеъмоли товарларининг ғоят тақчиллиги бунга ўз таъсирини ўтказмоқда.

Аҳолининг пул даромадлари товар ҳажмига нисбатан 2—2,5 баравар тезроқ ўсмоқда. Бозорни озиқ-овқат товарлари билан тўлдириш учун бундай суръатлар ортидан улгуриш қийин, албатта.

Ҳозирги беш йилликнинг дастлабки уч йили мобайнида мамлакат қишлоқ хўжалигида ўтган беш йилликнинг шу давридагига нисбатан маҳсулот етиштириш 9 процент кўпайди; дон етиштириш 14 процент, гўшт ва сут етиштириш 10—12 процент ортди. Шунга қарамасдан жамият бу ўсишни сезгани йўқ. Агар 80-йилларнинг биринчи ярмида аҳолининг пул даромадлари йилига 14—15 миллиард сўм кўпайган бўлса, 1988 йилда қарийб 40 миллиард сўм ўсди, шу йилнинг дастлабки 4 ойи мобайнида 16 миллиард сўм кўпайди.

Яна қуйидагини ҳам назарда тутиш керак. Ўн учинчи беш йилликда агросаноат комплексига капитал маблағ сарафлаш 19 процент ўсиб, озиқ-овқат товарлари етиштириш 26—30 процент ортиши керак. Ишлаб чиқаришнинг ўсиб бориши билан капитал маблағ ортиши ўртасидаги ана шундай нисбат илгари бирор бир беш йилликда содир бўлмаган эди. Демак, бир томондан агросаноат комплекси ишлаб чиқариш потенциали самарасини тубдан кўтариш, иккинчи томондан эса, агросаноат комплексида инвестиция структурасини ўзгартириш, моддий ва молиявий воситаларнинг бошқа манбаларини жалб этиш керак.

Ҳозирги аграр сиёсатни, маҳсулот етиштиришнинг бугунги планларини амалга ошираётган вақтимиздаги шарт-шароитлар ҳақида гапирар эканмиз, аслида ўсиш бўлмаган чорвачиликда бу йил маҳсулот етиштиришга киришганлигимизни айтиб ўтишимиз жоиз бўлади.

Ўрта Осиё, Сибирь ва Урал ҳақида гапирадиган бўлсак,

(Давоми 2-бетда).

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

КПСС Марказий Комитетида 10—11 май кунлари СССРда миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга бағишлаб ўтказиладиган Пленумнинг иш материаллари лойиҳасини муҳокама қилиш юзасидан кенгаш бўлиб ўтди.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг секретарлари ва бўлим мудирлари, автоном республикалар ва областларнинг область партия комитетлари секретарлари, бир қанча округ партия комитетларининг секретарлари, совет органлари ходимлари ва олимлар ҳозирги шароитда партия миллий сиёсатини янгилаш масалалари хусусида ўз фикр ҳамда мулоҳазаларини билдирдилар.

Социалистик миллатлар ягона оиласидаги ҳар бир халқни социал-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан янада ҳар томонлама камол топтиришга, барча совет кишиларининг дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган таклифларни ишлаб чиқиб Пленумга тақдим этиш кераклиги сўзга чиққанлар илгари сурган асосий фикр бўлди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари В. М. Чебриков нутқ сўзлади. (ТАСС).

• *Номзоди иккинчи марта кўрсатилди*

## КЕЛАЖАККА МАСЪУЛМИЗ



ҲАЙРУЛЛА РЎЗИЕВ ҳақида гап кетганида кўпчилик «тутган еридан кесадиган одам» дейди. Унинг бу феъли ҳаммага ҳам ёқавермаслиги мумкин. Чунки куйинчакликни айниқса баъзи раҳбарлар хуш кўрмайдилар.

— Қандай ҳам ўжарлигинг тутмайди, — дейди у, — агар қурувчига қиш кунларида қўлқоп, пахтали шим, фуфайка берилмаса? Қандай қилиб тажанглигинг тутмайди, қачонки айрим хўжалик раҳбарлари қизил бурчак учун газета ва журналларга обуна бўлишга пул ажратмаса? Жойларда ишчи ва хизматчиларнинг маданий-маънавий ҳордиқ чиқаришлари учун етарли шароитлар яратилмаганлигини кўриб, қандай қилиб қараб туриш мумкин?

Ҳ. Рўзиев Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг троллейбус депосида қарийб 31 йилдан бери ишлаб келаётир. Ҳозиргача у босиб ўтган йўл бир миллион 692 минг километрдан ошди. Бу — 13 миллион 140 мингдан зиёд йўловчига хизмат кўрсатилди, деган сўз. Миллионер ҳайдовчи Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари билан тақдирланган.

Депо коллективи Ҳ. Рўзиевга юксак ишонч билдириб, унинг номзодини Совет ҳокимияти олий органига тавсия этдилар.

— Аввалги сайлов кампаниясида ҳам СССР халқ депутатлигига номзодим кўрсатилган эди, — дейди Ҳ. Рўзиев. — Ошкоралик принципи асосида ўтган ана шу сайловда етарли овоз ололмадим. Бунга асосий сабаб сайловчиларимга ўз программамни тўла-тўкис етказа олмаганлигим деб биламан. Бугунги кунда озиқ-овқат программасини амалга ошириш республикамиз экологиясига ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди. Фақат пахта масаласи эмас, шаҳарлар ҳавосининг ифлосланиши ҳам барчани ташвишга солмоқда. Халқ депутатлигига сайланган номзодлар бу тўғрида актив позицияда бўлиши керак. Бюрократия кўринишларига қарши курашга, соғлиқни муҳофаза қилишга, умуман бутун табиатга бўлган муносабатимизни қайта қуришимиз зарур. Ҳавони булғамайдиган электр транспорти ва метрополитенлар линияларини узайтириш, тез юришга мослаштирилган магистралда экологияга таъсир қилмайдиган электр транспортлари қатновини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Шаҳримизнинг миллионлаб йўловчилари трамвай, троллейбус, автобус, такси хизматидан фойдаланадилар.

Аксарият ҳолларда кўпчилик хизмат маданиятидан норози бўлиб, ҳақли эътироз билдирадилар. Лекин баъзилар узоқ йиллардан бери министрликлар ҳам, муассасалар ҳам транспортлар қандай аҳволда эканлиги билан қизиқмасликларини билмасалар керак. Машиналар 10-12 йил аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай. Баъзилари техник жиҳатдан носоз. Кўп сонли ремонтчилар меҳнати эвазига бир амаллаб ҳаракат линияларига чиқилади. Бу аҳволга алоҳида эътибор қаратилмас экан амалга оширилаётган ҳамма ишларимизда мураккаб муаммолар туғилаверади.

Тарихий ёдгорликларга ҳам эътиборни кучайтиришимиз лозим. Тошкентдаги эски шаҳарни ўз ҳолича сақлаб қолишга эришишимиз керак. Негаки, у келажак авлод учун ўтмишдан жонли гувоҳ ёдгорлик бўлиб хизмат қила олади. Келажак олдида масъул эканлигимизни унутмаслигимиз керак.

М. КОЗИЕВ.

# БЕВОСИТА АЛОҚАЛАР — ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚҚА НАФЛИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

гўшт ва сут харид қилиш аҳволи қуйидагичадир: Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон анчагина ўсишга эришдилар, Тожикистон, Бурятия, Кемерево области эса гўшт ва сут харид қилиш ҳажмини камайтириб юбордилар. Бошқирдистон, Пермь ва Челябинск областлари давлатга ўтган йилдагига нисбатан анча кам сут сотдилар.

Хуллас, яқин йиллар ичида мамлакатнинг барқарор озиқ-овқат таъминотига эришишдек масъулиятни партия ўз зиммасига мураккаб вазиятларда олди.

Белгиланган режаларни амалга ошириш учун ўн учинчи беш йилликнинг охирида дон, гўшт ва сут етиштиришни тахминан 25—30 процент, сабзавот етиштиришни 34 процент, картошка етиштиришни 44 процент ошириш, мева, резавор мева ва узум етиштиришни икки баравардан зиёдроқ кўпайтиришимиз керак. Буни бажариш осон бўлмайди. Ишларимиз жуда кўп. Ҳар бир кунни ғанимат билишимиз керак. Фурсат кутиб турмайди.

Озиқ-овқат ресурсларини тўлдиришнинг барча манбаларидан тўлароқ фойдаланиш мақсадида Омск, Брест, Ставрополь ва Калуга шаҳарларида зона семинар-кенгашлари ўтказилди. Мазкур кенгашларда хўжалик ҳисоби, ижара муносабатлари масалалари, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг кооперациясини кенгайтириш, оилавий хўжаликларни ҳамда боғдорчилик-полизчилик кооперативларини ривожлантириш масалалари алоҳида кўриб чиқилди.

Биз Ўрта Осиёда бўлаётган бугунги учрашувга ҳам катта аҳамият бермоқдамиз. Бу учрашувдан кўзда тутилаётган мақсад бир томондан, Россия Федерацияси, жумладан Москва, Сибирь, Урал областлари саноат корхоналари, колхозлари ва совхозлари, матлубот кооперацияси, иккинчи томондан эса, Ўрта Осиё республикалари ўртасидаги бевосита иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришдир.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ Ўрта Осиё билан Сибирь ўртасидаги хўжалик алоқаларини ривожлантиришга кўп эътибор берилган эди. Шу мақсадда Туркистон-Сибирь темир йўли — Турксиб қурилди.

Бугун гап нима ҳақда бормоқда? Эндиликда гап республикалараро меҳнат тақсимоти ва кооперация афзалликларидан фойдаланиб, озиқ-овқат, жумладан сабзавот, мева ва картошка етиштиришни кўпайтириш мақсадида саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги ва матлубот кооперацияси меҳнат коллективларининг куч-ғайратларини бирлаштириш тўғрисида бормоқда. Бизнинг ана шундай тажрибамиз бор. Марказий Комитетнинг март ва апрель Пленумлари қарорларига таяниб, эндиликда ана шу барча жараёнларга яна ҳам режали, яна ҳам муҳим ва кенг миқёсли тус бериш муҳимдир. Бу биринчидан. Иккинчидан эса, бевосита хўжалик алоқалари тенглик, ўзаро фойдали принципларга, эквивалентлик негизига ҳамда товар-пул муносабатларига асосланиши керак. Бундай ёндашув иттифоқдош республикаларда эндигина бошланаётган ўз-ўзини бошқариш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш асосида экономика ва социал соҳага раҳбарликни қайта қуришга батамом мувофиқдир.

Масаланинг социал жиҳати ҳам муҳимдир. Маҳсулот етиштириш ҳажмларининг ортиши ва регионлар ўртасида кенг кўламда ана шу маҳсулотни айирбошлаш озиқ-овқат таъминотини яхшилаш ва барча республикалар аҳолиси турмуш даражасини ошириш, колхоз ва совхозлар экономикасини, уларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, жамғарма манбаларини кенгайтириш, меҳнат ва моддий ресурслардан яна ҳам оқилона фойдаланиш имкониятини беради.

Областлар, ўлкалар ва республикалар кооперациясини ривожлантириш, шунингдек саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасидаги хўжалик алоқаларини ривожлантиришнинг сиёсий аҳамияти ҳам каттадир.

Республикалар, ўлкалар ва областлар ўртасидаги, меҳнат коллективлари ўртасидаги меҳнат тақсимоти ва кооперациясини чуқурлаштириш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш учун иқтисодий асосни кенгайтиради ва мустаҳкамлайди. Бу эса республикалар ўртасида қардошлик муносабатларини ривожлантиришга, тажрибани ва маънавий қадриятларни баҳам кўришга, меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашга ижобий таъсир этади, албатта.

Шундай қилиб, республикалараро иқтисодий ҳамкорлик ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасидаги бевосита алоқаларни ривожлантириш туб иқтисодий ислоҳот ва сиёсий системани қайта қуришга узвий равишда пайванд бўлиб кетади. Бу совет жамияти ҳаёти барча томонларини янгилаш кенг кўламдаги программасининг муҳим бўғинидир.

Энди аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида бир қадар батафсилроқ гапириб ўтмоқчиман. Картошкачилик, сабзавотчилик ва боғдорчилик тараққиётининг ҳозирги даражаси шу вазифанинг бажарилишини таъминламайди. Сўнгги уч йил мобайнида ўтган беш йилликда эришилган даражадан пасайиш кўзга чалинмоқда. Истеъмол нормаларини қондириш учун мамлакат аҳолиси жон бошига 40 килограмм сабзавот ва 20 килограмм мева етишмаяпти.

Биз анча вақтдан буён чет мамлакатлардан кўп миқдорда мева, айрим йиллари эса картошка сотиб олишга мажбур бўлмоқдамиз. Четдан 670 минг тонна мева сотиб олинмоқда, бу мамлакатдаги ялпи ҳосилнинг 15 процентига баробардир.

Бу ўринда гап картошка, мева ва сабзавот ҳосили камлигидагина эмас, етиштирилган маҳсулотнинг анчагина қисми йиғиштириб олиш, ташиш ва сақлаш чоғида нобуд бўлиб кетаётганда ҳамдир. Маҳсулотнинг 20 проценти ва бундан ҳам кўпроғи нес-нобуд бўлиб кетяпти. Картошка, сабзавот ва мева етиштиришга ихтисослашган колхозлар ва совхозлар ихтиёрида қайта ишлаш цехлари, маҳсулот сақлашга мўлжалланган замонавий омборлар бўлиши керак. Хўш, бу вазифа қандай ҳал этилмоқда?

Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон мамлакатимиздаги мева-сабзавот етиштириладиган ноёб жанубий региондир. Мамлакатда тайёрланаётган ҳар беш тонна узумнинг бир тоннаси, ҳар олти тонна сабзавотнинг бир тоннаси, қовун, тарвузнинг 40 проценти шу ерда харид қилинмоқда.

Ўрта Осиё мамлакатнинг саноат районларига янги узилган эртанги мева-сабзавот маҳсулотини кўп миқдорда етказиб бермоқда. Региондан жўнатилаётган бундай маҳсулотнинг умумиттифоқ миқёсидаги салмоғи сабзавот бўйича 25 процентни, узум бўйича 55 процентни, қовун-тарвуз бўйича қарийб 60 процентни ташкил этади. Бу йилги планга кўра, 1835 минг тонна мева-сабзавот маҳсулоти етказиб берилиши, шундан қарийб 250 минг тоннаси Москва шаҳрига, қарийб 840 минг тоннаси вакиллари бугун ушбу кенгашда қатнашаётган Россия Федерациясининг 14 областига жўнатилиши керак.

Ўрта Осиё республикалари одатда ишончли шериклардир. Улар маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажармоқдалар. Кўпчилик маҳсулот етказиб берувчилар ва ушбу маҳсулотни олувчилар ўртасида узоқ муддатга мўлжалланган амалий алоқалар ўрнатилди. Ўз навбатида Сибирнинг кўпгина областлари бу регионга картошка, кондитер маҳсулотлари, оммавий эҳтиёж товарлари етказиб бермоқдалар.

Ўрта Осиё республикалари мева-сабзавот етиштиришни яна кўпайтиришлари мумкинми? Таҳлил шундан далолат бериб турибдики, регионнинг имкониятларидан ҳали тўла фойдаланилаётгани йўқ. Масалан, Тошкент областини олайлик. Сўнгги 5 йил ичида бу ерда аҳоли 500 минг киши кўпайди. Демак, область раҳбарлари мева-сабзавот маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш учун чора-тадбирлар кўриши лозим эди. Аммо бу беш йилликда ана шундай маҳсулотни етиштириш ва истеъмол қилиш камайиб бормоқда.

Шундай қилиб, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайишидан умумиттифоқ фондидан маҳсулот олувчилар ҳам, маҳаллий аҳоли ҳам манфаатдордир. Бу ўринда гап барча республикалар аҳолисининг картошка, мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳақида бормоқда.

Ўрта Осиёда пахта етиштириш, унинг юқори сифатли бўлишини ва имкони борича кўпроқ тола чиқишини таъминлаш муҳимдир. Айни вақтда бу ерда чорвачилик маҳсулоти етиштиришни ҳам кўпайтириш, аҳоли жон бошига сут ва гўшт, шунингдек мева ва сабзавот истеъмолини кўпайтиришга эришиш лозим.

Рўй-рост айтишимиз керакки, сўнгги вақтгача бу ерда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш суст ривожланди. Хўжаликларни мева-сабзавот етиштиришга ихтисослаштиришга етарли эътибор берилмади. Тармоқ инфраструктураси заиф. Аслида умумиттифоқ фондига етказиб бериш учун товар қабул қилувчи тармоқ, яъни саралаш, қадоқлаш цехлари, станциялар ҳузурида маҳсулот барвақт совутиб қўйиладиган омборлар йўқ. Бу иш аввало Туркманистонда жонланди.

Матлубот кооперацияси тайёрлаш ва қайта ишлаш базасини бунёд этишга бош қўшмади. Ўзбекистон ва Тожикистон республикаларидаги матлубот союзлари пойтахтларда бошқарув аппарати учун жуда катта маъмурий бинолар қурдилар, аммо улар мева-сабзавот маҳсулотларини қабул қиладиган, сақлайдиган ва қайта ишлайдиган замонавий корхоналар тармоғини ривожлантириш тўғрисида амалда жон куйдирмадилар. Бунинг устига поездлар секин юраётганини ҳам айтсак, Ўрта Осиё республикаларидан жўнатилган мева ва сабзавотнинг анчагина қисми Москва шаҳри, Сибирь ва Уралга сифати айниб, баъзан эса чириб етиб келаётгани аён бўлиб қолади. Бир неча минг километр олисдан олиб келинган маҳсулот асраш вақтида ҳам кўп миқдорда бузилмоқда.

Бунинг сабаблари аёндир. Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон иттифоқдош республикаларида картошка ва мева-сабзавот омборлари билан таъминланиш нари борса 30 процентни, Қирғизистон иттифоқдош республикасида эса 33 процентни ташкил этади. Олтой ўлкаси, Бошқирдистон автоном республикасида 50 процентдан камроқни, Новосибирск областида эса 30 процентни ташкил этади. Кемерово, Свердловск областлари, Красноярск ўлкаси, Бурятия автоном республикасида омборлар етарли эмас, фақат Тюмень областидагина омборлар етарли.

Сўнгги вақтда ана шу регион республикаларида мева-сабзавот комплексларини ривожлантириш программаси ишлаб чиқилди. Колхозлар ва совхозларда маҳсулот етиштиришни анча кўпайтириш, зарур инфраструктурани бунёд этиш мўлжалланмоқда. СССР Темир йўллар министрлиги, аэрофлот, автомобиль транспорти муҳим тадбирларни кўрмоқда. Ҳарбий транспорт авиациясини жалб этиш назарда тутилмоқда. Аммо, илгари бўлганидек, ҳозир ҳам Москвага ва мамлакатнинг йирик шаҳарларига картошка ва сабзавот етказиб бериш хусусида транспорт ташкилотлари шаънига анчагина эътирозлар айтилмоқда. Бундан буён темирйўлчилар, авиаторлар, автомобилчилар етказиб берилаётган маҳсулот сифати учун батамом жавобгар бўладилар. Улар истеъмолчилар ва мол етказиб берувчилар билан маҳсулотни олиб-сотиш, шу маҳсулотнинг сақланиши учун моддий жавобгарлик негизида ишлашлари лозим.

Картошка, мева-сабзавот ва узум нархи тўғрисидаги масала бошқача ҳал этилмоқда. КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларига мувофиқ, келгуси йилдан бошлаб мева-сабзавот маҳсулотини келишиб олинган нархларда харид қилиш кенг ривожланади. Бу эса хўжаликларни юқори сифатли маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдан ва уни истеъмолчига ўз вақтида етказиб беришдан моддий манфаатдор қилади.

Омск, Брест, Ставрополь ва Калуга шаҳарларида тармоқ семинар-кенгашлари ўтказилганида шу нарса аён бўлдики, оилавий хўжаликлар, боғдорчилик, сабзавотчилик кооперативлари картошка, сабзавот ва мева етиштиришнинг катта резервидир. Сиз мазкур семинарларда орттирилган қимматли тажрибадан фойдаланасиз, деб ўйлаймиз. Шу йилнинг ўзидаёқ ижтимоий ишлаб чиқариш, оилавий хўжаликлар, боғдорчилик-сабзавотчилик ширкатлари эвазига республикалар, областлар ва ўлкалар анчагина миқдорда гўшт, сут, картошка, сабзавот ва мева оладилар.

Мамлакатимиз ягона халқ хўжалик комплексидир. Бу комплексда республикалараро меҳнат тақсимоти, жумладан қишлоқ хўжалигида ҳам меҳнат тақсимоти таркиб топган. Масалан, Россия азалдан картошка етиштиради, Ўрта Осиё республикаларида эса мева ва сабзавот етиштирилмоқда. РСФСР билан Ўрта Осиё республикалари бир-бирларига ана шу маҳсулотларни юбориб турибдилар.

Сибирь ва Уралдаги областлар ва ўлкалар картошка етказиб бериш юзасидан Ўрта Осиёдаги қардош республикалар олдидаги ўз мажбуриятларини қандай бажармоқдалар? Шу беш йилликда Россия Федерацияси Ўрта Осиёга картошка етказиб бериш планини фақат 50 процент, Бошқирдистон, Курган, Новосибирск ва Пермь областлари эса план топшириғини бор-йўғи 4—17 процент бажармоқдалар. Кемерово, Омск ва Томск областлари 40—45 процент адо этмоқдалар. Кўриниб турибдики, РСФСРда картошка етказиб бериш давлат интизоми паст. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Ишни қатъият билан ўнглаб олиш керак.

Ўрта Осиё республикалари аҳолисини картошка билан таъминлашда Сибирь ва Ўрта Осиё областлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг янги формалари оммалашмоқда.

Маълумки, Ўрта Осиёда банд бўлмаган меҳнат ресурслари кўп. Ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантиришда шундан фойдаланилмоқда. Масалан, Фарғона области Красноярск ўлкасининг Хакасия автоном области билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузди. Ана шу шартномага асосан Фарғона областининг хўжаликларидан Хакасияга 150 киши жўнатилди, улар ижара шароитида 1200 гектар ерда картошка етиштира бошладилар. Шу майдонда етиштирилган барча картошка хўжалик планига киради. Аммо, шартнома қоидаларига кўра, ушбу ҳосилни Фарғона области аҳолисига жўнатиш назарда тутилмоқда.

Хоразм области билан Чита области ўртасида ҳам шунга ўхшаш шартнома тузилди. Хоразм областидан келган 600 колхозчи Чита области хўжаликларига қарашли 5 минг гектар ерда ижара шароитида картошка етиштирадилар. Шу майдонда етиштирилган картошка Хоразм области меҳнаткашларининг озиқ-овқат таъминотини яхшилашга сарфланади.

Мамлакатнинг турли регионларидаги республикалар, областлар, колхозлар ва совхозлар ўртасида бевосита хўжалик алоқаларининг бошқа шакллари ҳам ривожланмоқда. Капитал маблағ сарфлашни 19 процент кўпайтириб, озиқ-овқат маҳсулоти етиштиришнинг 30 процент ўсишига эришишни таъминлаш учун мамлакат агросаноат комплекси моддий ва молиявий воситаларнинг қўшимча манбаларига эҳтиёж сезаётганини мен юқорида айтган эдим. Саноат ва қишлоқ кооперацияси шу ишга яхши хизмат қилади. Бу шаҳарликларга ҳам, қишлоқ аҳлига ҳам фойдалидир.

СССР Нефть саноати министрлиги корхоналари билан Ўзбекистоннинг Сурхондарё области ўртасидаги иқтисодий муносабатлар бунга мисол бўла олади. Ғарбий Сибирь, Татаристон, Бошқирдистон, Пермь области ҳамда бошқа нефть қазиб олинадиган марказларнинг нефтчилари ана шу область хўжаликлари билан ўзаро фойдали негизда алоқа боғлаганлар. Бу ўринда яна шуни ҳам назарда тутиш керакки, нефть саноати, кўмир саноати, машинасозлик тармоғининг барча йирик корхоналари ихтиёрида ўз ёрдамчи қишлоқ хўжаликлари бор, бу хўжаликлар асосан, гўшт ва сут етиштирадилар, айни вақтда улар Ўрта Осиё республикаларидаги колхозлар ва совхозлар билан кооперация алоқалари ўрнатмоқдалар.

Партия, совет, касаба союз ташкилотлари, меҳнат коллективларининг кенгашлари вазифаси саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасидаги бевосита алоқаларни ривожлантириш бобида бошланган ҳаракатни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашдан, бунинг учун зарур шароитлар яратишдан ва шу асосда мамлакатда озиқ-овқатни кўпайтиришдан иборатдир.

Бундай мисоллар эса, анчагина. Практика бу ўринда айрим принципларга риоя этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

**Биринчидан.** Маҳсулот етиштириш ва етказиб бериш юзасидан тузилган ҳамкорлик шартномаларида саноат корхоналарига бериб қўйилган ҳуқуқлар доирасида уларнинг молиявий ва моддий ресурслари билан иштирок этиши назарда тутилсин. Ўз-ўзидан равшанки,

(Давоми 3-бетда).

# СССР—ХИТОЙ

## КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев 15—18 майда расмий визит билан Хитой Халқ Республикасида бўлади

### ТАРАҚҚИЁТ ВА ИСЛОҲОТ

«Тараққиёт ва ислоҳот» («фачжань юй гайгэ») — ҳозирги Хитой сўзлашувида энг машҳур иборадир. Айни ана шу таърифда бир миллиарддан ортиқ аҳолиси бўлган мамлакат иқтисодий ҳаётининг кейинги ўн йил давомидаги иқтисодий ҳаёти ўз ифодасини топган.

Хитойда ўн биринчи чақириқ ХКП Марказий Комитети учинчи пленуми (1978 йил декабрь)дан кейинги ўтган йиллар ХХР ташкил топган вақтдан буён мамлакат иқтисодий қудрати энг тез ўсган давр бўлди, деб ҳисоблайдилар. Дарҳақиқат, ўтган ўн йил мамлакат қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Хитой партия ва ҳукумат ҳужжатларида, матбуот ва илмий адабиётда халқ хўжалигидаги бу ютуқлар аввало туб иқтисодий ислоҳот билан боғлаб кўрсатилади. 1987 йил ноябрь ойида бўлган ХКПнинг XIII съездида ислоҳот ўтказиш учун айрим натижалар таҳлил қилинди, келгуси аср ўрталаригача бўлган даврда Хитой иқтисодий сиёсатининг асосий белгилари аниқлаб берилди.

Қишлоқда бошланган ислоҳот давомида амалда ҳамма ер ва ишлаб чиқаришнинг бошқа воситалари алоҳида деҳқон хўжаликлари ихтиёрига ўтди (узоқ муддатли пудрат ёки ижара шарти билан). Давлат сектори билан бир қаторда саноатда, ҳозирги транспортда, ташқи савдода, шаҳар ва қишлоқ жойларда «коллектив мулкчилик» корхоналари сони ўсди. Хусусий секторда якка тартибдаги хўжаликлар билан бирга ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи корхоналар тобора кўпайиб бормоқда. 1988 йилда улар сони 225 мингтадан ортиб кетди, уларда 3,6 миллион ёлланма ишчи меҳнат қилди.

Ўтган ўн йил Хитойда жамоат ишлаб чиқариши юксак суръатлар билан ривожланди. Чунончи ялпи миллий маҳсулот шу йиллар ичида қарийб 2,5 баравар кўпайди, миллий даромад 2,3 мартадан кўпроқ ўсди. Беш йил ичида қишлоқ хўжалигида дон етиштиришни 100 миллион тоннадан ортиқроқ кўпайтириш мумкин бўлди. 1984 йилга келиб 407,3 миллион тонна дон етиштирилди. Бу Хитой учун энг муҳим бўлган муаммо — мамлакат аҳолисини гарантияланган озиқ-овқат минимуми билан таъминлаш муаммосини ҳал этишда чинакам жасорат бўлди.

Ўтган ўн йилда саноат юксак суръатлар билан ривожланди. Кўмир қазиб олиш, электр энергия ишлаб чиқариш икки мартадан кўпроқ ортди, пўлат эритиш 90 процент кўпайди.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсиши аҳоли асосий гуруҳлари даромадларининг ортиши билан бирга давом этди. Деҳқонларнинг реал даромадлари кейинги ўн йил ичида 180 процент, шаҳар аҳолисиники ўртача 85 процент кўпайди.

Бироқ эътироф қилинаётганидек, Хитойда иқтисодий ислоҳот ва уни амалда рўёбга чиқариш ютуқлар билан бир қаторда 80-йилларнинг охирига келиб қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқарди.

Совет Иттифоқида ХХРдаги иқтисодий ислоҳотни ўтказишга катта қизиқиш билан қаралмоқда. Гарчи бизнинг икки мамлакатимизда революцион янгиланишни амалга оширишнинг конкрет шароитларида жиддий тафовутлар бўлса ҳам Хитой амалий тажрибасидан кўп нарсани олиб қўлланиш бизга фойда беради.

**Г. ГАНШИН.**
**иқтисодий фанлари кандидати.**

### ВИЗАСИЗ АЙРИБОШЛАШ

Гражданларнинг ўзаро сафарларига доир СССР билан ХХР ўртасида 1988 йил 14 августда кучга кирган янги битим консуллик соҳасида икки мамлакат ўртасида муносабатларни ривожлантиришда яна бир қадам бўлди. Унинг янгилиги нимадан иборат?

Битим шундай тартибни жорий этди: у асосда СССР ва ХХРнинг деярли ҳамма гражданлари хизмат ишлари юзасидан визаларсиз сафар қилишлари мумкин, бунда уларнинг паспорти қандайлиги — хизмат паспортими, дипломатик ёки умумграждданлик паспортими, бунинг аҳамияти йўқ. Дипломатик ва хизмат паспортлари учун ҳеч қандай виза ёки белги талаб қилинмайди. Умумграждан паспортларида тегишли белги бўлиши лозим: совет гражданлари учун «хизмат» белгиси, Хитой гражданлари учун «хизмат мақсадлари билан» ёзувли паспорт берилади. Шундай қилиб СССР ва ХХРга бемалол сафар қилиши мумкин бўлган совет ҳамда Хитой гражданлари доираси кенгайтирилди.

Янги тартиб студентлар, денгизчилар, дарё хизматчилари, учувчилар, темирйўлчилар, иқтисодий ва кооператив ташкилотлар вакиллари ва бошқаларнинг сафарларини енгиллаштиради.

**К. ГАРИБОВ.**

### ТАНИШИНГ: «МОСТ» ЖУРНАЛИ

Рус тилидаги бу журнални менга Пекиндан олиб келишди. У Хитой пойтахтида чиқмоқда. «Вейвэнь» босмахонасида босилаётир.

«Мост» журнали номининг ўзи, — деб ёзади бош редактор Се Вэньцин, — Хитой — Совет Иттифоқи ва Европадаги социалистик мамлакатларда яшовчи муаллифлар ҳамда ўқувчилар учун икки томонлама ҳамкорликни белгилаб беради. «Мост» фикрлар, ғоялар ва тажриба алмашинувга, дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам беради».

Журналнинг биринчи саҳифалариданоқ бугунги Хитой янгиликларини ҳис этасиз. Ўқувчи Шанхайдаги автомобиллар ишлаб чиқарувчи «фольксваген» қўшма корхонаси тўғрисидаги мақолани қизиқиш билан ўқийди. Хитой мутахассисининг Совет ва Шарқий Европа мамлакатларидаги қайта қуриш тўғрисидаги фикрини билади. Хэбэй вилоятидаги миллионер-деҳқонлар билан танишади. Пекинликларнинг оддий ҳаётини кўради. Бу ҳаёт фоторепортер объективига туширилган.

Ўқувчилар «Мост» журналининг саҳифаларида кўпгина қизиқарли маълумотлар н и учратадилар. Ҳозирги Хитойда 56 та майда миллатлар бор. 100 миллион киши буддизм, ислом, католик ва христианлик дини, даосизмга риоя қилади. Мамлакатда 40 мингга яқин қаср, монастир ва черковлар бор.

Хитой медицинасига бутун дунёда қизиқиш катта. Синган суякларни даволовчи, шишларни олиб ташловчи доктор Ян Сян маҳорати ҳақида афсоналар тўқилган.

Хитой ва Совет Иттифоқи кўплаб инсон тақдирлари риштлари билан боғланган. Ўқитувчилар, инженерлар, олимлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам қилмоқдалар.

Пекин университетида олиб бораётган ўзининг иши тўғрисида қозонлик профессор Н. Асанова ҳикоя қилади. Москва энергетика институтини битириб чиққан Ван Дяньжу таниқли бизнесмен бўлиб қолди, у ҳозир титан олтини олиш техникасини ривожлантирувчи бирлашмага бошчилик қилмоқда. У катта кувватли лазер яратишда қатнашди, муҳим назариялар яратди.

Хитой тарихининг кўп саҳифалари совет кўнгиллиларининг қаҳрамонона ишлари билан боғлангандир. 1937 йилдан 1942 йилгача мамлакатимиз Хитойга 500 совет учувчисини юборган эди.

Ўқувчилар янги журналдан кўпгина фойдали маслаҳатларни ҳам топадилар. Ҳозирча «Мост» журнали «Союзпечать» киоскаларида йўқ. Унинг тажриба нусхасигина тайёрланган, лекин журнални тайёрлаганлар, у совет ўқувчисини топади, деб ишонадилар.

**В. МИЛЮТЕНКО.**

### КИНОДАГИ ЮТУҚЛАР ВА МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИКЛАР

1988 йил — Аждаҳо йили Хитой кинематографи учун қандай якунланди? Бу саволга жавоб берганда иккита асосий ҳолни ажратиб кўрсатиш керак. Биринчидан. «Қизил гаолян» фильмининг катта муваффақиятини таъкидлаш лозим. У Берлиндаги халқаро кинофестивалда «Олтин айиқ» бош совринини олди. Шунингдек, турли халқаро киноанжуманларда мукофотлар билан тақдирланган, яна 30 га яқин Хитой кинокартиналари муваффақиятини айтиб ўтиш керак.

Иккинчи воқеа эса хушнуд этмайди: мамлакатда кинотеатрларга тушиш сезиларли даражада камайиб кетди. Кейинги ўн йил ичида энг паст даражага тушиб қолди — кинога тушганлар сони 20 миллиардга ҳам етмади.

Айрим мутахассислар кинотеатрларга тушиш кескин камайиб кетганлигини телевидение жуда тез ривожланиб кетганлиги ва видео бозор ўсиши билан изоҳлайдилар. Бироқ ҳамма бу нуқтаи назарга қўшилмайди. Кинога бориш камайганлигида кинематографчиларнинг ўзи айбдор, деган фикр бор. Кино томошабинларнинг диди анча ўзгарди. Хитойда чиқарилаётган фильмлар эса бу ўзгаришларни акс эттирмаяпти, шунинг учун кенг томошабинни ўзига жалб этолмаяпти.

Кинотеатрларга бориш камайганлиги ва Хитой кино саноатининг катта молиявий қийинчиликлари шунга олиб келдики, киностудиялар кўп пул тушадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга асосий эътибор бера бошладилар — қадимий Хитой ҳарбий санъатига оид, детективлар, саргузашт ленталар тайёрлана бошланди. Ўтган йили прокатга чиқарилган 158 фильмдан 60 проценти эрмак жанрида яратилган картиналар ҳиссасига тўғри келади.

Адолат юзасидан айтиш керакки, кенг томошабинларга мўлжалланган фильмларнинг ҳаммаси ҳам оммалашиб, даромад келтирадиган фильм бўлиб қолмади. «Чайна фильм» нашри маълумотларига кўра 1988 йил чиқарилган Хитой фильмларининг деярли ярми, шу жумладан эрмак ленталар, уларни чиқаришга кетган харажатларни қоплай олмади. Бир қатор картиналар коммерция борасида бутунлай синди.

Гап шундаки, деб ҳисоблайди: «Дахуа Синема» фирмасининг вакили Юй Лицзюнь: — бозорни олдиндан сира билиб бўлмайдиган бўлиб қолди, фильм муваффақият қозонадими йўқми, олдиндан асло башорат қилиш мумкин эмас. Масалан, «Шарқий мақбаранинг ўғриланиши» фильмининг дастлабки икки серияси 1987 йили жуда машҳур бўлиб кетган эди. Бир йил ўтгач эса кейинги уч сериясини томошабинлар деярли қабул қилмадилар.

Ўтган йиллардагидан фарқли ўлароқ кинога энди фақат давлат бюджетидан маблағ ажратиш ўрнига кинофильмларга тобора кўпроқ товар сифатида қаралмоқда, киноиндустриянинг бозор эҳтиёжига боғлиқлиги ортиб бормоқда. Инфляция жадал кучайиб кетаётганлиги кино саноатига катта зарба берди. Ҳозир мамлакатдаги 22 та киностудиядан 16 таси жиддий молиявий қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Чунончи, мамлакатдаги етакчи киностудиялардан бири бўлган Пекин киностудиясининг ҳозир 12 миллион юан қарзи бор.

Кинематографчилар муаммони ҳал этиш йўлларини изламоқдалар. Масалан, тўрт кино арбоби ўз студияларига контрактлар тузишни таклиф қилдилар. Бу контрактларга кўра улар турли манбалардан йиғилган пуллар эвазига ўз фильмларига маблағ ажратадилар. Бунда улар ўзларининг бўлажак картиналаридан тушадиган даромаднинг бир қисмини студияларга берадилар. Агар фильмлар ўзини қопламайдиган бўлса, студиялар олдида ўз қарзларини узиш вазифасини зиммаларига олдилар.

**Чжэн МИНЬ.**
**хитой журналисти.**

**Саҳифа АПН материаллари асосида тайёрланди.**

### ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

**✦ Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштиришда ўзаро савдо муҳим омил бўлмоқда. СССР билан ХХР ўртасидаги товар обороти ҳажми 1982 йилдаги 223 миллион сўмдан 1988 йилда 1,85 миллиард сўмга етди. Товар обороти бундан буён ҳам ортиб бораётир.**

**✦ Совет Иттифоқи ХХРга энергоблоклар, қора ва рангли металлар, юк вагонлари, автомашиналар, тўқимачилик саноати учун ускуналар, ёғоч, турли хом ашё етказиб бераётир. Хитойдан эса Совет Иттифоқига маккажўхори, соя, гўшт, янги мевалар, вольфрам концентрати, аккумуляторлар, магнитофонлар, тўқимачилик буюмлари, трикотаж, спорт пойабзали экспорт қилинмоқда.**

**✦ Кейинги тўрт йил ичида СССР Хитойга 100 мингдан ортиқ автомашина етказиб берди.**

**✦ Иккала мамлакат чегара районлари ўртасида товар айрибошлаш тез суръатлар билан кенгайиб бормоқда. У 1985 йилги 20 миллион сўмликдан бу йил қарийб 150 миллион сўмликкача етди.**



СУРАТДА: Ҳарбин шаҳри (Хэйлунзян вилояти) маъмурий маркази кўриниши.
Синьхуа—ТАСС фотоси.

